

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
қошидаги Фан ва технологиялар маркази
Ўзбекистон Фанлар Академияси М. М. Мўминов
номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти

«ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ» РУКНИ

МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ



«Akademiya» нашриёти
«Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти»
Тошкент 2005

171 + 66,3 (25)

M 50

Матн муаллифи:

У. Саидов

Ушбу рисолада юртимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун моҳияти, миллий истиқлол ғояси-нинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз барқарорлигини таъминлаш, ёшлиарни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда тут-ган ўрни ва аҳамияти, шунингдек, таълим-тарбия тизимини яна такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар таҳдил этилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу рисола тўғри-сидаги фикр-мулоҳазаларни қуидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.

© «Akademiya» нашриёти
«Ўзбекистон Файласуфлари
миллий жамияти нашриёти»

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

20.05
5503

Кириш

Ўзбекистон демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан изчиллик билан дадил қадам босиб бормоқда. Миллатимиз ҳаётининг барча соҳаларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Жумладан, очиқлик ва сиёсий бағрикенглик шароитида бўлиб ўтган сайловлар натижасида икки палатали парламент ўз ишини бошлиди. Бу ўзгаришларда, аввало, фуқароларимиз дунёқарашида улкан ижобий ўзгаришлар рўй бераёттани, одамлар онгига демократик қадриятлар мустаҳкам ўрин эгаллаёттани яқдол намоён бўлади.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат бош ғоямиз халқимиз ва жамиятимизни бирлаштирувчи чинакам қуч ва эътиқод манбаига айланаб бораётганидан далолат беради.

Бироқ Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йўлидаги эришилган ютуқлар буюк келажак сари қўйилган улкан бир қадам бўлса-да, олдинда ҳали ечимини кутаётган муаммолар, қилинадиган ишлар кўп. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов «Независимая газета» мухбирининг саволларига берган жавобларида сиёсий соҳа билан бир қаторда, иқтисодиётни, ижтимоий ҳаётни ҳамда маънавий- ахлоқий соҳани ҳам ислоҳ қилиш зарур эканини яна бир бор таъкидлади.

Мамлакатимиз ҳаётининг қайси бир жабҳасидаги ислоҳотларни олмайлик, бари инсон, унинг муносиб ҳаёт кечириши учун амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, инсон ислоҳотларнинг бош таянчи ҳисобланади. Шундай экан, ҳаётимиздаги ҳар қандай янгиланиш ва ўзгаришлар халқнинг ва ҳар бир шахснинг инсон сифатида ўзлигини, миллий қадриятларини англашига боғлиқ. Одамлар ўз фикр ва ғояларига, содир бўлаётган воқеаларга шахсий муносабатига эга бўлган ва уларни эркин ифода эта оладиган, фуқаро-

лар мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида амалда иштирок эта оладиган бўлсагина бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни замон талабларига мувофиқ ислоҳ этиш учун замин ҳозирланади.

Чунки маънавий жиҳатдан янгиланган жамиятдагина одамлар давлат ва жамиятнинг тинчлиги ва осойишталигига, эркин тараққиётiga тўсиқ бўлаётган ички ва ташки хавф-хатарларни бартараф эта олади, унда инсонийликка зид бўлган ёт ғояларга нисбатан иммунитет ҳосил бўлади.

Бугунги кунда — XXI асрнинг бошида глобал мулоқот макони инсон кундалик ҳаётининг зарур шартига айланмоқда. Зеро дунё билан эркин мулоқотта киришмасдан жаҳон ҳамжамияти билан баҳамжиҳат тараққиётта эришиб бўлмайди.

Аммо ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган замонавий ахборот, коммуникация ва компьютер технологияларидан дунёдаги ва юртимиздаги тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга уринаётган кучлар ҳам усталик билан фойдаланиб, турли миллат, маданият ва эътиқод вакиллари ўртасида низо чиқариш ва шу орқали ўзларининг гаразли ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бундай вазиятда маданий-маънавий мулоқот турли ихтилофларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, маънавий олами бут, маданиятини теран билган кишигина ўзга халқларнинг қадриятлари ва маданиятини тушунишга қодир бўлади. Миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган миллий истиқлол ғояси ана шу вазифани адo этишга йўналтирилган.

Мазкур рисола миллий истиқлол ғоясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз барқарорлиги, демократик ислоҳотлар йўлидан изчиллик билан оғишмай бориш учун замин ҳозирлаш билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилган.

Миллий гоя — ўзликни англаш, маънавий юксалиш ва тараққиёт омили

Миллий гоя ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро боғлиқлиги. Миллий гоя ва ва инсон омили. Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритган тарихий кундан бошлиб, демократик давлат, фуқаролик жамият қуриш ва бозор ислоҳотларини босқичма-босқич амалга ошириш, одамлар онгига миллий маънавият қадриятларни тиклаш ҳамда янги демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлини танлади. Жамият ҳаётида юз берган ўзгаришлар инсонларро муносабатларда янгича қарашларни шакллантириш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги янги муаммоларни ҳал этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабхаларини янада демократлаштириш ва янгилаш ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида мужассам этган миллий гоя атрофида жипслаша олишига, ўзини халқ, миллатнинг ажралмас қисми эканини англаб этишга боғлик. Зеро буюк бобокалонимиз Амир Темур уқтирганларидек, “Бирликсиз куч бўлмас”.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек улуф ишни амалга ошириш, аввало, инсон омили билан боғлик. Чунки “Чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия негматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барто этиши, инсон ҳак-ҳукуклари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносаб фуқароси бўла олади”¹.

Бунда тилга олинган инсоний фазилатлар инсоннинг

маънавий оламини ташкил этади. Маънавият эса фикр, сўз ва иш бирлигига намоён бўлади.

“Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” иборасида мужассам бўлган миллий гоя оддий шиор эмас, жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучга айланмоги учун, у ҳар бир фуқаронинг онгидан чуқур жой олмоғи ва яшаш тамоилига айланмоги лозим.

Ўзликни англаш кўринишлари Жамият маълум бир ҳудудда жамланган одамларнинг оддий йиғиндиси эмас. Инсонийликка хос бўлмаган тубан интилишлар, инстинкт даражасидаги ҳис ва истаклар асосида бирлашган одамларни халқимиз “тўда”, “оломон” деб атайди. Тўда, подага бирлашиб яшаш эса ҳайвонот дунёси вакилларига хос.

Юксак ривожланган инсонлар жамияти эса шахслардан таркиб топади. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодига, яратувчилик қудратига, ўзгалар ва бутун борлиқ олдидағи маствоилият туйғусига эга экани назарда тутилади. “Мен кимман?”, “Ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк неъмат— ҳаётни нималарга сафарбар этмоғим лозим?”. Инсон борки, эртами-кечми, ана шу саволларга жавоб излай бошлайди, камолот сари йўл олади. Бу йўлни— ўзликни англаш деб айтиш мумкин. Ўзлитетини анлаган ёки англай бошлаган кишигини шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш аввало ҳар бир инсон, шахс, алоҳида субъект билан боғлиқдир.

“Кимки ўзлитетини таниса, роббини танийди”. Бу ҳадисда буюк ҳикмат яширинганд. Уни бугунги кун муаммолари нуқтаи назаридан қуидагича талқин этиш мумкин: ҳар бир инсон ўзи интилмаса, мақсадлар қанчалик улуг бўлмасин, бирор-бир натижа бермайди. Шунинг учун ҳам ислом аҳли, мутасаввиғ алломалар инсонни “олам меҳвари”, “Аллоҳ томонидан ер юзида халифа этиб яратилган” деб билган.

Хазрат Навоийнинг “Эл нетиб топқай мениким, мен

ўзимни топмасам”, деган сўзлари бугунги кунда янгича маъно-мазмун касб этади.

Миллий истиқолол мафкураси ва миллий ғоя жаҳон халқларининг узок тарихий тараққиёт жараёнида яратилган меросидан ҳам озиқа олганлиги бежиз эмас. Зоро, қадим-қадимданоқ, инсоният жамияти пайдо бўлибдики, турли халқ алломалари инсонни ўзликни англашга даъват этиб келган. Ўзликни англаш борасидаги Шарқ ва Фарбалломаларининг фикрлари миллий ғоя тантанаси ўзликни англаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яққол намоён этади.

Дельфадаги Ашпалон ибодатхонасининг деворларига ўйиб ёзишган ва аңъана бўйича етти юонон донишмандларидан бири – спарталик Хилонга тегишли деб ҳисобланган “Ўзингни ўзинг англа” шиори қадимги юонон фалсафасини ўзак масаласи бўлиб қолди, юонон мутафаккирларини бу борада изланишга даъват этди. Эрамиздан аввалги V асрда ёқ Протагор “инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир”, деган машҳур фикрни илгари сурди Суқрот учун эса “ўзингни ўзинг англа” ҳикмати донишмандликнинг қоидасига айланди ва таълимотининг ўзагини ташкил этди. “Ўзини англаған инсон, — деган эди у, — ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У кўлидан келадиган иш билан шугулланиши асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди”².

Жамиятнинг таянчи – оддий инсон. Шунинг учун ҳам юртбошимиз “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан сұхбатда “Мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак?”, - деган савол га шундай жавоб берган эди: “Даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдирни тимсолида минг-минглаб киши-

ларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандоши-мизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртаниги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрадим. Ўзимни шу одамнинг ўрнига кўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндошуви билан келажакка карардим”³.

“Ўзликни англаш”, “миллий ўзликни англаш” ва ниҳоят “умумбашарий ўзликни англаш” тушуналар бир-биридан айри эмас, балки бир-бири билан узвий алоқадор, бир-бирини тақазо этади. Зеро инсон ота-она, оила, миллат, аҳли башар, борингки, бутун борлиқ билан муносабатлар асосида ўзининг ким эканлитини англаб боради. Айни шу муносабатлар ҳамда уларнинг заминида шаклланган миллий ва умуминсоний қадрияtlар асосида миллий гоя таомийлари шаклланган ва аксинча, миллий гоя уларнинг замон талаблари асосида бойитиб боради.

“Ўзликни таниш”нинг турли талқинлари ва миллий ўзликни англаш. Инсоният тарихида “ўзликни таниш” масаласи турлича талқин этилган. Хусусан, инсонга биологик мавжудот сифатида қараган моддиюнчи олимлар дунёпрастлик кайфиятини тарғиб этганлар. Масалан, немис файласуфи Артур Шопенгауэр табиатдаги яшаш учун кураш қонуниятини жамиятта кўчириб, “ҳамманинг ҳаммага қарши уруши” шароитида инсон ўзи ва фақат ўзи учун, ўзининг дунёда турмоги учун курашиши лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари сурган. Зеро, унинг фикрича, ўз эгоизми қобигига ўралмаган биронта инсон топилса, “у оламни билади, унинг можиятини англаб етади ва тинимсиз йўқолиши, арзимас интилишлар, ички низолар ва доимий азоб-уқубат домига ботганилигини кўради, қаерга кўз ташламасин, факат азобланаётган одамзотни, азоблананаётган жонзотларни ва ўткинчи дунёни кўради”⁴.

“Эътиқод ва билим – тарозининг икки палласи: бири

канча баланд бўлса, иккинчи шунча пастдир”, — деган эди Шопенгауэр. Аслида бир-бирини тақозо этувчи, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ инсонийликка бошловчи икки дарга – эътиқод, илоҳий маърифат ва дунёвий билимни икки қутбга ажратиш иккинчи тоифадаги Фарб файласуфларини даҳрийлик ёки унга ёндош йўлга солди. Моддий дунё эҳтиёжларининг устуворлиги “яшаш иштиёқи”ни зоҳирий манзиллар билан боғлади. Италиялик файласуф Никколо Макиавеллини бу йўналиш бошига қўйиш мумкин. Унинг: “Ҳар бир ишини у қандай воситалар билан амалга оширилганига қараб эмас, балки максадга эришилган-эришилмаганига кўра баҳолайдилар”⁵, деган сўзларида намоён бўлган дунёқараш кейинги давр Европа фалсафасига жиддий таъсир ўтказган эди.

XX аср бўсағасида “яшаш иштиёқи” фалсафаси асосида Фридрих Ницше “барча қадриятларни қайта баҳолаш”га тутинди. Даставвал у яшаш иштиёқини юксак маънавият сари интилиш билан боғлашга уринди. Аслида эса бу гоя бир оз ўзгача шакл касб этди. Унинг наздида инсон ўз ҳаётида нимаики бўлса, жумладан, ҳокимиётта интилиш ва ўзининг нопок истакларини ҳам мутлақо онгли равишда амалга оширишга ҳаракат қиласагина ҳаёт унинг олдига кўйтган бурчни бажарган бўлади. Шу тариқа Ницше яшаш иштиёқини “ахлоқ занжирлари”дан халос этишга даъват этади: “Биз ўйлаймизки, — деб ёзади у, — инсонни кўчада ва қалби тубида писиб пойлаб турган шавкатсизлик ва зўрлик, қуллик, хавф-хатарлар, ... умуман, даҳшатли, жабр келтирувчи барча ёвузликлар, инсонга хос бўлган бутун вахшийлик ва маккорлик, буларнинг бари “инсон” деб аталмиши ҳайвон турини юксалтириши максадларига яхши хизмат қиласди”⁶.

Инсон жисмининг ўткинчилиги, руҳининг эса абадийлиги (черков отаси Августиннинг “тан руҳ учун қафасдир” фикрини эсланг) масаласини зоҳирий (дунёвийлик нуқтаи

назаридан) талқин эттәнлар инсон ўзлигини дунёдан юз ўтириб, ёлгизликда ибодат билан күн ўтказғандагина, оддий сўз билан айттанда, таркидунё қилғандагина топиши мумкин деган фикрга келади.

Дунёни ўткинчи билиб, ижтимоий фаолликдан қочиш, факат Оллоҳ зикри билан яшаш, тамойили ислом Шарқида ҳам ўрин олган эди. Жумладан, зоҳидлар, Н. Комилов таъбири билан айттанда, “таркидунёччилик гоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолликдан бутунлай четлашғанлар, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланғанлар”. Тасаввұфдаги “узлатта чекиниш” гоясини ҳам баъзан түғридан-түғри таркидунёччилик маъносида талқин этишга уриништан. Аммо “ўзликни англаш” бош мақсади бўлган тасаввұф ахли ва тасаввұф гояларидан қувват олган улуг мутафаккирларимиз инсонни инсонга, Ватанга, халқига бўлган, ҳар қандай ғараздан ҳоли, пок меҳрни тарғиб этиб келган.

Хусусан, улуг мутасаввиғ аллома Баҳоуддин Накшбанд инсон ўз-ўзини англаб этиш орқали Ҳақни, Ҳақиқатни танийди, Оллоҳ васлига этишади, дейди. Аммо ҳаётининг якуний мақсади бу эмас. Дилица Оллоҳ (“дилда ёр”) жо бўлган киши ишга киришмоги (“даст ба кор”) эзгу ишларга қўл уриши лозим. У асло элдан, халқдан ўзини айрмаслиги, аксинча Ориф одам Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлиши лозим. (“Хилват дар анжуман”).

Шу нұқтаи назардан, Фаридиддин Аттор дунёни қайнаб турган қозонга менгзаб, инсонни ана шу “қозон”да қайнашпа ундалган эди. Шундагина инсон пишиб етилади, комилликка эришади. Алишер Навоий, Нажмиддин Қубро, Бобур мирзо юрт қайғусида яшаган жадид зиёлилар ва яна ўнлаб, юзлаб улуг аждодларимиз ҳаёти, ўз тақдирларини халқ миллат бутун инсоният тақдиди билан узвий боғлиқликда кўрганлар. Инсон ўзлигини англашини ижтимоий муносабатлар асосида кўришни орзу қилган ҳазрат Навоий буни кўйидаги мисраларда ифода эттан эди:

*“Одаме эрсанг демагил одаме —
Ониким йўқ, халқ, гамидин гами”.*

Миллий ўзликни англаш ва миллий истиқлол гояси. Президент И.А.Каримов миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш зарурати ҳақида фикр юритиб: “*Мағкурани шакллантириши жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши келажаги, бутун тақдирин учун қайгурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илгор дунёкараш ва тафаккурига асосланиши лозим*”, дея таъкидлаган эди.

Зеро, маънавий қадриятларга, ҳаётни эъзозлашга ундейдиган юксак аъмолларга эътибор сусайганда, жамият, давлат тараққиётдан тўхтайди, инқироз томон юз тутади. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай ёзган эди:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барабтод ўлмас,
То зулму ситам жонга бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Демак, мамлакатимиз обод бўлиши, равнақ топиши, халқимиз фаровонлиги маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш билан бевосита боғлиқ. *Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қила-диган тамоийлга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоги ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоги лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоги керак”*⁸.

Инсоннинг комиллик даражаси унинг жамиятдаги ўз ўрнини қанчалик билгани, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми эканлигини қанчалик ҳис этиши билан белгиланади. Шундагина инсон ўзининг қадр-қиммати халқнинг, миллатнинг қадр-қиммати билан нечоғлиқ боғлиқ эканлигини, жамиятда содир бўлаётган воқеаларга дахлдор-

лигини англайди. Юртимиз мустамлакачилик асоратига тушган XX аср бошларида юрт қайгусида ёнган Фитрат ўлканинг бошига ёғилган балоларда аввало ўзини айбдор деб ҳисоблагани бежиз эмас. Амир Темур руҳига мурожаат этиб, шундай деб ёзган эди: “Юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим:

*Сенинг Туронингни ўзим талатдим,
Сенинг турклигинингни ўзим эздирдим,*

Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим”⁹.

Шу эмасми комилликнинг белгиси? Миллий ўзилигини англаган инсонгина, Фитрат каби “Туроним, сендан айрилмоқ — менинг учун ўлимим, Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдир”¹⁰, дея баралла айта олади, Нажмиддин Қубро сингари жонини сақлашни эмас, ёв босган ютини ҳимоя қилиб, жон таслим беришни афзал кўради.

Ўзлигини англаган инсоннинг маънавий юксалишга эришади, ҳар қандай шароитда эзгуликка чоғланади. Шу нуқтаи назардан инсон руҳий қувватининг рамзига айланган улуғ Сукротнинг ҳаёти ва ўлими тарихи сабоқ бўла олади. Шарқу-Фарб алломалари ўзларини ва ўз даврларини англашга ҳаракат қилишар экан, такрор ва такрор Сукротта мурожаат этишган. Сукрот даври билан бугунги кунни қарийб 2,5 минг йил ажратиб турган бўлсада, биз ҳам яна бир бор бу улуғ сиймони эсласак фойдалан ҳоли бўлмас.

Бир гурух қишиларнинг фитнаси туфайли фуқаролик меъёрларини, ёшлар тарбиясини бузганликда айбланиб ўлим жазосига ҳукм этилган эди. Ҳукм ижросини кутаёттан Сукротта шогирдлари қамоқдан қочишни таклиф этишади. Гарчи ҳукм адолатсиз бўлса-да, Сукротнинг фикрича, ҳар қандай, ҳатто энг юксак ва адолатли мақсад, ҳам унга эришмоқ йўлидаги паст ва жиноий воситалярни окламайди.

“Бизни ўлдиришга қодир бўлган кўпчилик бу фикрга кўшиладими, кўшилмайдими, бундан биз кўпроқ ёки камроқ озор чекамизми, барибир, адолатсиз иш уни қилган киши учун ҳар қандай шароитда шармандалиkdir”, — дейди у шогирдига, — Ёки бундай қарайлик, агар биз бу ердан жуфтакни ростлашга шайлансангу, Қонун ва Давлат рўпарамиздан чикса-да, сўраса: “Айт-чи, Сукрот, нима қилмоқчисан? Ўз қилмоқчи бўлган ишинг билан бизни, Қонунларни ва бутун Давлатни ҳалок қилмоқчимисан? Ёки суд ҳукмлари ҳеч қандай кучга эга бўлмаган, балки улар алоҳида одамларнинг истаги билан бекор қилинадиган давлат бутун ва безиён қолиши мумкин деб ўйлайсанми?”. Ўз юртини севган ва чинакам ватанпарвар бўлган Сукрот учун қамоқдан қочиш бутун ҳаёти давомида ўзи риоя этган қоидаларга, ўзининг умр ишига ва демак, Ватанига хиёнат бўлар эди. Афина давлатидаги у ёки бу тартиблар билан келишмаган бўлса-да, чинакам ватанпарвар бўлган Сукрот ўлимни афзал кўради.

Тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш. Миллий фоя ҳалқимизнинг қадимий ва бой тарихидан, улуг аллома аждодларимизнинг ҳикматлари ва ҳаётий ўғитларидан, бунёдкор гояларидан, яшаш ибратидан озуқа олган. Чунки тарих — буюк мураббий, тарбия ва ибрат манбаидир.

Ўзликни таниш тарихни билишдан бошланади. “Етти пуштингни билгин”, дейди доно ҳалқимиз. Шунинг учун ҳам қадимги Хитой донишмандлари инсонни гавдаси олдинга, юзи эса ортга қаратган ҳолда тасвирлаганлар. Яъни, уларнинг наздида инсоният келажак сари интилар экан, ўтмишини доимо ёдда сақламоги шарт. Бу кўхна ҳақиқатни теран англаган Президент И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида Ўзбекистоннинг 5 йиллик мустақил тараққиёт йўлини таҳлил этиб,

истиқболдаги вазифаларни белгилаб берар экан, бундай деган эди: “Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириши жараёнида гоят мухим ўрин тутади”¹¹.

Давлат, жамият ҳаётий асосларга таянган бунёдкор гояларга таянсагина маънавий жиҳатдан юксалади, таракқиётта эришади. Юртимизнинг узок ва гоят мураккаб тарихи қайта-қайта исбот этган ҳақиқат бу. Биргина Амир Темур ва темурийлар даври тарихимиз бунинг ёрқин исботи бўла олади. “Инсонлик оламини қанотлари остинда олган” (Фитрат) темурийлар салтанати бир неча асрлар мобайнида гуллаб яшнади, улуг алломаларни дунёга келтирди, илм-фан, маданиятда етакчиликка эришди. Бунинг сабаби нимада эди? Жавоб битта: Амир Темур мамлакат ижтимоий-сиёсий бўхрон исканжасига тушиб қолган, феодал тарқоқлик ва ўзаро нифоқ авж олган бир шароитда халқни ўз гоялари атрофида бирлаштира олди. “Мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим, — деган эди улуг соҳибқирон, — Салтанатни бошқариша учраган ҳар қандай воже ва ишини тузук асосида бажардим”¹².

Амир Темур наздиаги “тузук” бизнинг кундаги “миллий гоя” мазмунида келаёттанини англаш қийин эмас ва буюк бобокалонимиз фикрича: “Давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, бундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва маркиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиги йўқ, уйга ўхшайди”¹³.

Тарихий хотира миллиатта куч-қудрат бағишлайди, ҳаётнинг оғир синовларини муносиб енгигб ўтишга, ўзлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўзга ха-

лъкларни тобе этишга уринган босқинчилар халқни ана шу қудрат манбаидан айиришга, шаҳар ва тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва аждодларнинг маънавий меросидан маҳрум этишга ҳаракат қилганлар.

Хусусан, Туркистон ўлкасини ўз мустамлакасига айлантирган Чор Россиянинг генерали М.Г.Черняев подшога ёзган маҳфий хатида билдирган фикри бунинг ёрқин далилларидир: “*Бу ерда ҳар қандай қўшинни тўзгатиб юборадиган бир қудратли куч бор: бу туркистонликларнинг кечмиши хотираси... Демакки, туркларнинг биргина ўзини енгизиши кифоя эмас. Уларнинг хотираларини, тарихини ҳам енгмоқ керак*”.

Фоя халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини боғлаб турувчи фикр экан, у, аввало, миллий маънавиятимизга таянади, халқимизнинг маънавий меросидан озуқа олади, миллий ўзига хослигини сақлаб туришга, миллий манфаатларни амалга оширишга ва миллий тараққиёт йўлларини белгилашга хизмат қиласди. Европа жамияти ҳётида улкан силжишлар содир бўлаётган XVIII асрда машҳур француз маърифатчиси Жан Жак Руссо миллийлик, миллий характер ҳақида бундай ёзган эди: “*Биз таянишишимиз керак бўлган биринчи тамойил – миллий характердир: ҳар бир халқ миллий характерга эга ёки эга бўлиши лозим; халқда у бўлмаган тақдирда ишини унга бундай характерни беришдан бошлиши керак бўларди*”¹⁴. Бир қарашда Руссонинг фикрида маълум бўрттириш бордек туюлади. Лекин унинг ватани Франция тарихига назар ташланса, бу фикр тарихий асосга эга эканлиги маълум бўлади. Дастреб қирол Генрих IV Франциянинг миллий давлат сифатидаги яхлитлигини тиклади. Унинг ишини давом эттирган ва Францияни амалда бошқарган Людовиг XIII нинг биринчи министри – кардинал Ришелье “*Ватан ва миллат манфаатлари барча нарсадан устун*”, деган гояни илгари сурди ва мамлакатдаги ички низоларга барҳам бер-

ди, сиёсий, ижтимоий, маданий ислоҳотларни амалга оширди. Жумладан, ўзи асос солган Француз Академиясига умумфранцуз адабий тили лугатини тузишни топширди, санъат ва адабиётта ҳомийлик қилиб, давлат яхлитлиги ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган ўзига хос миллий ғояни тарғиб этишга сафарбар этди. Шу тариқа Ватан ва халқ йўлидаги фидоийликни олий бурч, даражасига кўтарди, ишонч билан айтиш мумкинки, Франциянинг ўша даврда қудратли мамлакатта айлангани, ҳамда кейинги асрлар мобайнида Европанинг ўзига хос маданий маркази бўлиб қолганлиги айни шу даврда шакллантира бошлаган “миллий характер” билан боғлиқ бўлди. Ана шу тарихни чуқур билган Руссо: “Ҳар қандай яхши ўзгаришларнинг умумий мақсадлари ҳар бир давлатда маҳаллий шарт-шароит ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланадиган муносабатларга мувоффик шакл олиши керак”¹⁵, деган фикрга келди.

Инсоният тарихидаги бундай мисоллар юртбошимиз И.Каримовнинг “Биз халкни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти оркали биламиз, тарихининг тагтомуригача назар ташлаймиз”¹⁶, деган сўzlари нақадар чуқур асосга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Аммо бу - миллий ғоя ёки миллий ўзликни англашни ўз миллий қобигига ўралиш, ўзга халқлардан ўзини устун қўйиш деган эмас, албатта. Қолаверса, Ўзбекистон (Ўрта Осиё) ҳудудида азалдан турли элат ва миллат вакиллари ёнма-ён инокликда яшаб келган. Бағрикенглик, меҳмондўстлик ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган қадриятига айланган. “Меҳмон отангдан улуг”, дейди халқимиз ва остонасидан хатлаб ўттан бегона одамни ҳам уйининг тўрига олиб чиқади, ўзи емаса-да, меҳмонни сийлайди.

“Манманлик, — деган эди машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлоний, — жоҳилона кибру гуурурдан пайдо бўладурган энг ёмон хулкларнинг биридурки, кишини

хар ерда маъюс ва маҳжуб қилур”¹⁷. Авлоний инсон манманлиги ҳақида гапирайти. Агар манманлик касалига миллат, халқ ёки бирон бир дин вакиллари учраса не оқибатларга олиб келади? Мисоллар талайгина. Биргина ўз халқи онгига “олий ирқ” қа мансублик гоясини сингдиришга уринган фашизмнинг бутун инсоният бошига ёғдирган балоларни ёки буюк давлатчилик шовинизми собиқ Иттифоқда яшаган әлат ва халқларга келтирган азоб-уқубатларни эслаш кифоя. Айрим сиёсатдонлар бугунги кунда ҳам диний, ирқий, миллий зиддиятларни авж олдиришга ҳараткат қилаёттани ва оқибат ўлароқ дунёнинг турли чеккаларида уруш олови алангаланаёттани барчага маълум.

Машҳур француз гуманист ёзувчиси фашизмга қарши урушда жонини фидо қилган Антуан де-Сент-Экзюпери қайгу ва ҳасрат билан одамларни бир-биридан айирадиган миллатчилик, ирқчилик, мустамлака босқинлари ва урушлар ҳақида фикр юритиб, “Турли цивилизациялар бирбирида фарқланиши ёмон эмас, ... даҳшатлиси, уларнинг бир-бирини ейшига ҳаракат қилишиидир”, деган эди. Кўпни кўрган, энг оғир ишларни зиммасига олишдан кўрқмаган Сент-Экзюпери инсоннинг ўзини англаши аҳли башар олдидаги масъулият ҳисси билан боғлайди. “Инсон бўлиш - бу масъулият сезишингдир, — ёзади у, — ўзингга алоқасиздай туюлса ҳам қашшоқлик олдиди андиша қилишингдир. Ўз гаштингни қўя туриб, дунёдаги бунёдкорликка кўмаклашганингни ҳис этишингдир”¹⁸. Лўнда қилиб айтганда, ўзга миллат ва халқларни камситган миллат ҳеч қачон буюк бўлолмайди. Буюк Алишер Навоий бу ҳақда шундай дейди:

“Нафъинг агар халққа бешак эрур,
Балки бу наф ўзингга кўпрак эрур”.

Шунинг учун ҳам миллий роя, бир томондан, “Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадри-

ятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришига кўмаклашиш”¹⁹ ни назарда тутса, иккинчи томондан, “Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида барча давлатлар билан тенг ҳукуклилик ва ўзаро манбаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишиларига аралашибаслик, умуминсоний қадрияларга содиклик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, ҳалкаро ҳукук меъёрларининг усуворлиги каби тамойилларга амал қиласди”²⁰. Демак, миллий истиқлол гояси ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш ва умумбашарий ўзликни англашни узвий боғлиқликда кўришга даъват этиб, умуминсоний моҳият касб этади.

Миллий маданият, тил, урф-одат, тарихдан бегоналашиш ва унинг зарарли оқибатлари. Миллий истиқлол гояси ўз қиёфасига эга бўлган ва башарияттараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини кўшган ҳалқимизнинг бой ва узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган маънавияти сарчашмалиридан озуқа олган. Бир пайтнинг ўзида у кишиларимизнинг ва бутун ҳалқимизнинг ўзлигини англаши, маънавий юксалиши омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир қарашда масаланинг бундай кўйилиши мантиқсизликдек бўлиб туюлади. Биз кечагина дунёга келган эмас балки узоқ тарихга эга бўлган ва ким эканлитимиз маълум ҳалқ эканмиз, ўзлитимизни англатишга не хожат? Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати бор. Афсусларким, ҳалқимиз узоқ вақт истибодд остида яшади. Аввало Чор Россияси, сўнг қизил Империя даврида кўплаб маданият дурданлари йўқ қилинди, динимиз ва тилимиздан бегоналаширишига ҳаракат қилишди, маънавиятимиз сарчашмалиридан озиқа олишимизга йўл қўйилмади, “миллийлик”, “миллий ғурур” сўзларини тилга олиш гуноҳи азимга айланди. “Ким эдик?” деган саволга “ёзувинг, маданиятинг, тилга олишга арзирлик тарихинг йўқ сартсан” жавобини

олдик. “Ким бўлдик?” — деган саволга ўзгаларнинг, аввало русларнинг “ёрдами” билангина маданиятли бўлган халқсан” дея жавоб эшитдик.

Натижада тарихий хотирани зўр бериб йўқ қилишга, халқни манқуртлаштиришга қаратилган сиёsat туфайли, ўзлигимизни йўқотиш даражасига келиб қолдик.

Ўзликдан ва миллий ўзликдан бегоналашиш ҳақида сўз борар экан, бунинг бир учини ўлканинг ички холати билан боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслик керак. Маълумки, XVI асрдан бошлаб минтақадаги сиёсий, иқтисодий таназзул ва парчаланиш ҳамда у билан боғлиқ равишда маънавий-маданий эврилиш жараёни борган сайин кучайиб борди. Ўлка жаҳон тараққиёти йўлларидан четда қолди. Русия мусулмон ўлкалари илгор зиёлиларининг устози бўлган, жадидчилик ҳаракатининг тамал тошини кўйган И smoил Гаспрали сўнгти асрлар давомида Туркистон ўлкасининг таназзули сабабларини шундай кўрсатади: “Шоҳ Темур замонинда ҳар бири бир арслон ўлан туркестонийлар бу замонда таъсири зулм ва истиббод ила бирор сочсиз хотин соколли заифалар поясина кирмиши эди. Эски илм ва уламодан ҳам деярли асар колмаган. Холис ва ҳалол (киши) колмай, узун чопонларга, хилъатларга ўраган риёкор кўпайган эди. Золимлар йўлини тўсадиган шариат аҳли тугаб, золимларга фатво топиб бериб, 5-10 тилла-олтун учун сабоқдан оқшома қадар “омин”, “омин” айтиб, миллатни хароб ва барбод этганлар саноксиз эди. Қандай баҳтсизликки, бир уни Садди Чинга, дигар уни Ўрта ер денгизига чиққан салтанат баҳодирларининг авлоди ёшликда баччалик, сўнг эса баччабозлик ҳаромликлари ичida умр кечиралирлар эди. Шизжоат майдонида Темурларнинг, Шайбонийларнинг исми-шариблари унүтилгани каби илм майдонида Ибн Синолар, Форобийлар, маориф майдонида Али Қушчи, Улугбеклар ёддан чиқиб, бутун Мовароуннахр бир хонакойи пари-

шон ва диёри дарвешон ўлмиши эди. *Илм, ҳилм, маориф, иззат-нафс ва ҳайсият* (*хурмат-эътибор*) риёкорликка айланган эди. Бу сўзлар балки аччик, сўзлардир, лекин тўгри сўзлардир. Тарих ёзадиган *муаррих мадҳия ёзадиган мирза эмас*²¹. “Хиндистонда бир фаранг ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси” асарида Фитрат ўлканинг даҳшатли иқтисодий қолоклиги, аҳолининг руҳий эврилиши суратини чизиб беради. Бухоролик мударриснинг юрганинг аҳволи ҳақидаги гапларини тинглаган фарангни ҳайратдан ёқасини ушлайди: “Бай, бай, бай! Бу нечук мусулмонлик! Бу қандай диёнат!!! Воксан, мусулмонларнинг ўз шаршатларини шунчалар таҳқирлашлари олдида биздан кўркиб кутаётган заллат (адашиш)лари ҳеч нарса эмас экан”, дега хитоб қиласди.

Шунинг учун ҳам жаҳолат ичра қолган жамиятдаги иллатлар, ахлоқсизликка қарши кураш XX аср бошларидаги илгор зиёлиларимизнинг бош мақсадига айланган эди. Беҳбудий “Падаркуш” фожеасида ўз отсини ўлдирган Тошмурод жинояти ҳақида Зиёли тили билан шундай дейди: “Илм ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир... Оҳ, ҳакикатда бойни ўлдургон ва йигитларни азоби абдийга гирифтор қилган беимлиkdir. Бизларни хонавайрон бачагирён ва беватан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдур, беватанлик, дарбадарлик, асорат, факир ва зарурат ва хорликлар ҳамма илмсизлик ва бетарбияликни меваси натижасидур...”²².

Абдулла Авлоний ҳам “Биз ва Сиз” асарида юрти фожеасини жамиятнинг иллатлар ботқогига боттанилигида, ахлоқсизлик илдиз оттанда кўради. Ўзини ўлдиришга қарор қилган асар қаҳрамони Камолнинг сўзлари жамиятта айбнома сифатида жаранглайди: “Сиз! ... Сиз, мени бу ҳолга соглан, сиз, сиз – жаҳолат қурбонлари, сиз! Сиз, эски турмуш асиirlарисиз”²³.

“Ўзингдан чиқдан балога, қайта борай давога”, - дейди халқимиз. Шунинг учун ҳам тарихий вазиятни тўгри англаган илгор зиёлилар, кишилар онгини аввало ўрта асирчилик жаҳолатидан халос этишга, Чўлпон таъбири билан айттанда “илгари миллий ҳиссини ўстириб ўз миллатини танитиш”га, “ўчган, ярадор кўнгилга руҳ бермак”ка интилдилар.

Мустақиллик бу сиёsat ва амалиётдан, халос этди. Фанда йўл қўйилган хатоларни тузатиш имкониятини берди. Мустақиллик шарофати билан “ажоддларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган гоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий мерос тиклана бошлианди” ва “халқимиз ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди”²⁴. Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги республикаларнинг сўнгти 10-15 йиллик тарихи шуни кўрсатдики, сиёсий эркинликни анча тез ва қон тўкмасдан кўлга киритиш мумкин. Инсон, миллат табиий равишда фаровонликка интилар экан, унга замин ҳозирлайдиган иқтисодий эркинликка ҳам қисқа вақт ичida эришиш мумкин.

Аммо, тафаккур эркинлигига эришиш, инсон онгига зўрлик билан сингдирилган ёлғон ақидалардан, шўролар даврида орттирилган иллатлардан, фикрий қарамлиқдан халос бўлиш мураккаб. Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор айттанидек: “Ернинг шўрини ювиш осону, одамлар дилидаги шўрни ювиш қийинроқ”. Қадим юонон файлласуфи Фалес “дунёдаги энг қийин нарса нима?” деган саволга: “Ўзни англаш”, дея жавоб бергани бежиз эмас.

Албатта, узоқ давом этган мағкуравий тазиикларга қарамай, халқимиз тарихи ва қадриятларини, ўзига хос анъаналарни сақлаб қолишига муваффақ бўлди. Бироқ миллий гоя замирида ёттан ўзлигини англаш ҳаққоний тарихни бутун бойлиги ва мураккаблиги билан билгандагина мумкин бўлади. Акс ҳолда у қуруқ сафсатага айланади,

кундан-кунга саёзлашиб бораверади, оддий манманликдан нарига ўтмай қолади.

Шунинг учун ҳам Президент И.Каримов тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбатида “*Мадомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий кувват оладиган халқни енгид бўлмас экан, биз ҳаккорний тарихимизни тиклашишимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришишимиз зарур. Тарих билан қуроллантириши, яна бир бор қуроллантиришишимиз зарур*”²⁵, дея алоҳид тақидлаган эди. Миллий истиқлол гояси мустаҳкам ҳаётий заминга, халқимизнинг чуқур тарихий илдизларига таянади. “Ким эдик” деган саволга жавобни тинимсиз излашга даъват этиб, миллий ўзлигимизни теран идрок этишга ёрдам беради.

Миллий истиқлол гояси ва миллий ўзликни тарбиялаш, қадрлаш, сақлаб қолиш масаласи. Инсон “бир парча гўшт” бўлиб дунёга келади ва у дастлаб табиий инстинклар билан яшайди. Секин-аста ўзи яшайдиган оила муҳити, кейинроқ маҳалла, таълим олган билим даргоҳи, жамият таъсирида инсон дунёқарashi шаклланади, шахсга айланиб боради. Жамиятдан ташқарида эса у ҳайвонот дунёсининг бошқа вакилларидан унчалик фарқ ҳам қилмайдиган, ўзлитини англашга қодир бўлмаган оддий жонзодлигича қолади. Жамиятдан ташқарида ўзининг инсоний сифатларини сақлаб қолган Робинзон Крузо ёки Матугли каби адабий қаҳрамонлар фақат ҳаёлот маҳсулидир.

Машҳур инглиз ёзувчиси Даниэль Дефони Робинзон образини яратишга туртки берган реал шахс – Александр Селькирк тарихи бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўзи билан зиддиятта борган бу матросни кема капитани кимсасиз оролга тушириб қолдиради. Ёлғизликда у атиги 4 йилдан сал кўпроқ вақт ўтказади. Аммо шу қисқа вақт ичидә ёк у одамдек сўзлашни, муомала қилишни унугтади, бир сўз билан айтганда, буткул инсоний қиёфасини йўқотади.

Демак, кишининг Инсон мартабасига эришмоғи, ўзлигини танишида ижтимоий муҳит ва жамиятда орттирган тажрибаси, билимлари, тарбияси бирламчидир. Инсон тафаккури оила, жамиятдаги тарихий шарт-шароит, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мағкуравий холатлар таъсирида шаклланар экан, унинг ўзлигини англашида, жамиятнинг узвий, ажралмас қисми сифатида миллий ўзлигини англашда таълим-тарбиянинг аҳамияти бениҳоя катта. Чунки “Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллий қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизниң жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин әгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”²⁵.

Демак миллий фоя воқеликка айланиси, тараққиётта хизмат қилиши учун миллий-маънавий тикланиш замираша фуқароларимиз онгу-тафаккурини ўстириш зарур бўлади. Миллий ўзлик туйғусини, уни қадрлашни тарбиялаш лозим. Абдулла Авлонийнинг айтган “тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё најсот - ё фалокат масаласидур”, деган сўзлари бугунги кунда янги мазмун касб, этиб ўз долзарблигини йўқотмаган. Авлоний яна дейди:

Худонинг раҳмату файзи ҳама инсонга яксардур,
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарт акбардур.
Тугуб ташлов ила бўлмас бола бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.
Темурчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи, Лукмон ўғли бўлса, бўлгуси золим.
“Ёмонларга қўшилди Нухнинг ўғли бўлди беимон,
Юруди Каҳф ити хўблар ила бўлди оти инсон”²⁷.

“Маънавият билан қувватланмаган билим ёввойи одам қўлидаги чўқморга айланади”, деган эди бир аллома. Кишилий тарихида ўз билими, истеъдодини нопок ишларга,

бузгунчилликка сарф этиб, ўз яқинлари, халқи бутун инсоният бошига кулфат ёғдирган кимсалар оз бўлган дейсизми? Ёзувчимиз Ўлмас Умарбеков шу маънода “Олим бўлиш осону, одам бўлиш қийин экан”, деган эди. Шу маънода жадид зиёлларидан бири Муҳаммад Саъид “Ойина” журналидаги мақоласида (1914 йил 31-сон) комил инсонни тарбияси ҳақида фикр юритар экан, Ибн Маъсуд нинг гапларини келтирадики, жадидларнинг бу борадаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганини кўрамиз: “Ҳар кишининг иймони илми қадар, ҳар кишининг илми саъии қадар, ҳар кишининг саъии номуси қадар, ҳар кишининг номуси виждони қадар ва ҳар кишининг виждони ҳам анинг адаб ва тарбияси қадардир!”²⁸.

“Жамият маданиятсиз маънавий ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият тировард — оқибатда таназзулга юз тутади”. Президент Ислом Каримовнинг ҳикматта айланган бу сўзлари башарият тарихи, хусусан, халқимизнинг минг йиллик маънавий ахлоқий юксалиш тарихи борасидаги чуқур билимлар натижасидир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (29 август 1997 йил) сўзлаган нутқларида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар мазмунини шундай белгилаб берган эди: “Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак”²⁹.

Айни шундай таълим ва тарбия кўрган шахсларигина “ким эдик?”, “ким бўлдик?”, “ким бўлмоқчимиз?” деган саволларга тинимсиз жавоб излайди. Шунда кишиларимиз миллий маданиятимиз сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганади, жаҳон маданиятини чуқурроқ билишга, умуминсоний қадриятларга таяниб яшашга интилади, анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйгуниликда кўра би-

лади. Шундагина халқымиз миллий ўзлигини кундан-кунга теран англаб, маънавий юксалишга эришади, келажакка равшан кўз билан қарайди. Ана шунда миллий гоя моддийлашади ва тараққиёт омилига айланади.

Маънавий янгиланиш, миллий маънавий негизларга таяниш – жамиятни янгилаш ва модернизация этишнинг зарурий шарти

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни ислоҳ этишнинг маънавий негизлари. Халқымиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга қиритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўзига хос миллий маънавият ва маданиятнинг соҳибига айланди.

Мамлакатимизда узоқ истиқболга қаратилган “Кучли давлатдан- кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2004 йил декабр ойидаги бўлиб ўтган икки палатали парламентта сайловлар ва доимий равишда фаолият юритадиган профессионал парламентнинг шакллантирилгани бу йўлда навбатдаги улкан бир қадам бўлди. Янги парламент халқ хокимиютини, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашнинг воситаси бўлиб хизмат қиласди. Шу маънода, эволюцион изчилилк хусусиятига эга бўлган мазкур ислоҳот ва ўзгаришлар давлат ва жамият ҳаётидағи том маънода туб бурилиш ясади. Тарихдан маълумки, бирор халқ ҳаётида тарихий бурилиш содир бўлаётган даврларда жамият янги истиқболлар сари бормоги учун ижтимоий муносабатларни шунга мувофиқ ўзгартирмоғи лозим бўлади. Шу боис ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар шахснинг ва бутунисича жамиятнинг тафаккурида, дунёқарашида, маънавий оламида ўзгаришларни тақозо этади.

Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Конунчиллик палатаси ва Сенатнинг 2005

йил 28 январ куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маъруzasida яна бир бор таъкидлаб шундай деди: “...*Бу янги ланичилар ижтимоий муносабатлар ва турмуши тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлик, ҳолда амалга оширилиши даркор*”³⁰.

XX асрнинг улуг гуманисти А.Швейцер: “Воқеликни шакллантирувчи кучлар ичида, маънавият биринчидир”, деган эди. Биз бугун улкан имкониятлар даврида яшамоқдамиз. Бироқ уларни реал воқеликка айлантириш йўлидаги гов ва хафв-хатарлар ҳам бисёр.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш учун, аввало, инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бериши зарур. Кишилар тафаккурини банд эттан эски андозалардан, тор қолиплардан, ўз умрини яшаб бўлган ақидалардан халос этмай туриб, янги давр, тарихий тараққиёт билан табиий равишда кўл ушлашиб келадиган янгидан-янги муаммоларни ҳал этиб бўлмайди.

Президент И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб ўз истикболини тасаввур эта олмайди”³¹, дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Аммо инсон тафаккурини ўзгартириш учун маълум вақт сабр бардош билан уқдириш, тушунтириш ишларини йўлга кўйишни, маънавият ва маърифат соҳасида узлуксиз иш олиб боришини талаб этилади.

Оддий бир факт. Маълумки, илғор мамлакатларда оммавий ахборот воситалри жамоатчилик фикрини, шакллантирувчи, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабтини ифодаловчи том маънода “тўртинчи ҳокимият” мавқеига эга. Бошқача қилиб айтганда, журналистлар ақл-

ларини бошқарадиган, керак бўлса, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига жиҳдий таъсир ўтказишга қодир бўлган катта куч, ижтимоий фаол табақадир. Аммо юртбошимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидағи маъруzasida таъкидлаганидек, “*Биз мустабид тузум мероси ва ақидаларидан, унинг мафкураси, маъмурий назорати ва цензурасидан жуда катта қийинчилик билан ҳолос бўляяпмиз. Ҳалигача журналистлар фаолиятда ўзўзини цензура қилиш, юкоридан буйруқ кутши кайфиятлари сезилиб турибди*”³². Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда демократик янгилашилар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғояи муҳим шарти сифатида Президент оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андоzaларни жорий этиш ғоясини илгари сурди ва “*Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиши матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинликларини амалда таъминлаш*”³³ вазифасини қун тартибига қўйди.

Демократик фуқаролик жамиятни юксак маънавият ва кенг маърифат тантана қилган жамиятдир. Шу боис ҳам Президент И.Каримов 2002 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруzasidaёқ бу масалага эътиборни қаратиб, шундай деди:

«Хўш жамиятнинг маънавий янгилашиши деганда нимани тушунмоқ керак? Маънавий янгилашишнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?»

Юртбошимизнинг 1992 йилда эълон қилинган ва дастурний аҳамият касб этган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобидаёқ “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб

номланган алоҳида бобида кўрсатилган тўрт асосий негиз бунинг асосий мазмунини очиб берган:

- умуминсоний қадриятларга содиклик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Бу тушунчалар бир-биридан ажралмас ва бир-бирини тақазо эттан ҳолда, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини қуришда мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Баркамол шахс — демократик жамият таянчи. Демократияни ўз тақдирининг ўзгалар, бутун жамият ва ҳатто бутун инсоният тақдирита дахлдорлигини чукур ҳис этган, асрлар синовидан ўтиб, инсонлик моҳиятини ўзида мужассам этган маънавий қадриятлар онгу қалбига сингиган, ўз фикри ва салоҳиятини эркин ва фаол намоён эта оладиган, ўз яшаш макони — Ватанининг равнақи йўлида жонфидо бўлишига тайёр бўлган юксак аҳлоқ-одобли, маърифатли шахсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бу хусусда ҳазрат Навоий бундай демишлар :

*Хукамо ҳам дедилар, шахни тенгиз, хайли ариқ,
Ул ачиғдур бу ачиғ, ул чучук ўлса бу чучук.*

Навоий назидаги шоҳни давлат рамзи деб олсак, ҳалқнинг, ҳар бир фуқаронинг давлат ҳолатини белгилаши аён бўлади. Агар Ариқ -дарё, яъни ҳалқ табиати аччиқ бўлса, яъни маънан баркамол бўлмаса, турли иллатлардан фориг бўлмаган бўлса, унинг сувлари қуйилган денгиз, яъни давлат ҳам аччиқ, яъни унда адолат, меҳршавқат, эзгулик бўлмайди ва аксинча.

Демократия ҳар бир инсон учун олий қадриятта, жамиятнинг бойлигига айланмоги керак. Бусиз у шунчаки назария ёки қоғозда қолган қонунлигича қолади, холос. Шунинг учун ҳам юртбошимиз жамиятимизни демократлаш-

тириш ва янгилаш йўлидаги устувор йўналишларидан бири ва энг муҳими сифатида “барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони”³⁴ эканини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистонда кече ётган демократик ислоҳотларнинг жамият маънавий янгиланиши билан боғлиқлигининг яна бир жиҳати бор. XX аср буюк ҳинд давлат арбоби Махатма Ганди “Инсоният — бу ягона оила, бўлинмас оила. Унинг ҳар бир аъзоси содир қилган жиноят учун ҳар биримиз жавобармиз”, деган эди. У ёки бу миллат ёки давлат ана шу инсоният деган катта силанинг ичидаги кичик оила. Ана шу оила аъзолари баҳамжиҳатлик, маънавий муштараклик бўлмас экан, улар Ганди сўзларида акс этган маънавий бурч ҳиссаси билан яшамас экан, ёруг келажак ҳақидаги ўйлар хомхаёл бўлиб қолаверади. Зоро, демократик ривожланиш барқарорлик ва ижтимоий ҳамкорликка таянади.

Одамлар маънавият ришталари билан боғланганда гина улар халқ, миллатта айланади. Чунки *Юртбошимиз таъбири* билан айтганда, “маънавият-инсонни руҳий по-кланиши ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйготадиган кудратли ботиний куч” дир.

Маънавият мавҳум тушунча эмас. У миллат билан, миллий тафаккур билан, миллатнинг тарихи, асрлар мобайнида тўпланган билим ва тажрибаси, тушунчалари, тасаввурлари билан боғлиқ. Француз маърифатчиси Жан Жак Руссо Европа жамияти ҳаётида улкан силжишлар содир бўлаётган XVIII асрда халқда миллий характерни шакллантиришни биринчи вазифа деб билган эди. Чунки унинг наздида “ҳар қандай яхши ўзгаришларнинг умумий мақсадлари ҳар бир давлатда маҳаллий шарт-ша-

роит ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланадиган муносабатларга мувофиқ шакл олиши керак". Ж.Ж.Руссонинг фикрларини бугунги кун нуқтаиназаридан талқин қилсак, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, адолатли, маънавияти юксак инсонлар жамиятини қуришда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, аввало, миллий менталитетни инобатта олиш кераклиги маълум бўлади.

Демак, Ўзбекистон демократик фуқаролик жамиятни барпо этиш йўлида ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлагани ҳаётий зарурат бўлиб, бу ишни жамиятни маънавий янгилашмай, янги барқамол авлодни тарбиялаб вояга етказмай амалга ошириб бўлмайди.

Демократия бу кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечириши, муаммоларни баҳамжиҳатлик билан ҳал қилиши, шахсий манфаатларни жамоа, миллат, давлат манфаатлари билан уйгун кўриши, бир сўз билан айтганда, муроса қилиш маданиятидир.

1983 йили жаҳоннинг 29 минтақаси олимлари, жамоат араббларидан иборат "Гуманитар муаммоларни ўрганиш бўйича Халқаро Комиссия" тузилди. Комиссия XX асрдаги гуманитар вазият ва уни такомиллаштириш устида изланди. Жазоир, Швейцария, Польша, Австрия, Хитой, Хиндистон, Мексика, Эрон, Швеция, Япония - жами 29 мамлакатнинг маърифатпарварлари дунёдаги гуманитар муаммоларни жиддий ўрганди. Улар "Инсоният ахлоқи", "Глобал масалалар" (яъни экология, қашшоқлик, қуролланиш, тероризм, наркомафия), "Оммавий қирғин қуроллари", "Қуролли тўқнашувлар", "Дайди болалар", "Озиқовқат инқирози", "Чўл-саҳроларнинг кенгайиб бораёттани", "Фавқулодда вазиятлар", "Урушлар" каби ҳалокатли ҳолатларни келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиб, барча муаммолар инсоний туйгуларнинг сусайиши, яъни маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши билан боғлиқ, деган

хулосага келди. Олимларнинг тўрт йиллик меҳнати натижаси бўлган китоб “Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?” (Нью Жерси, 1989) деган ном билан кўпгина жаҳон тилларида нашр қилинди.

Китоб сарлавҳасида акс эттирилган масала БМТ Бош ассамблеясининг “Янги халқаро гуманитар тартиб тўғрисида”ги 42/120 рақамли резолюциясининг қабул қилинишига асос бўлди.

Китобда одамларнинг бир-бирига ғайриинсоний муносабати, очкўзлик, халқ манфаатларини унудиши, мансаб-парастлик, шовинизм, бир қатламнинг ўта бойиб, бошқасининг иқтисодий ночор аҳволга тушиши, ўзгаларнинг ерсуви, табиий бойликларига кўз олайтириш каби иллатлар кескин танқид қилинди.

Тарихга назар ташланса маълум бўладики, маънавий қадриятларга, ҳаётни эъзозлашга ундейдиган юксак аъмолларга эътибор сусайганда, жамият, давлат ва бутун инсоният тараққиётда тўхтайди, инқироз томон юз тутади. Буюк бобомиз Алишер Навоий бундан беш аср олдин бу фикрни шундай ифода этган эди:

“То ҳирсу ҳавас ҳирмони барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас”³⁵

Шундай экан, мамлакатимиз келажаги, демократик ислоҳотлар тақдири кишиларнинг, бутун халқнинг онги, маънвияти даражасига боғлиқ. Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англашиб етса, у шахс мақомига кўтарилади. Киши шахс даражасига кўтарилса, яъни ўз мустакил фикрига, дунёқарашига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлсангина, “демократия неъматларининг оддий истеъмолчиши эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячи сига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асос-

ларини амалда барто этиш, инсон ҳак-хукуклари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади”³⁶.

Собиқ тоталитар тузум даврида халқларни ялпи манқуртлаштириш борасида амалга оширилган сиёсат ўзбек халқини ҳам ўз тарихи, маданияти, миллий ҳиссиёти ва ўзлигидан айришга қаратилган эди. Собиқ мустабид тузум давридан қолган бундай оғир “мерос” ҳақида кейинчалик Президент И.А.Каримов шундай фикр билдиради: “*Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг рухи ва урф одатларини, ўз авлод-ажоддини билмайдиган манқуртларга таянар эди*”³⁷.

Узоқ йиллар давом этган тутқунлик, гайриинсоний мафкуранинг якка ҳукмронлиги бизга мутеликни сингдирди. Мутелик ўзбек халқининг азалий қадриятлари — андиша, назокат либосини кийди ва ҳақиқатни дадил айтиш, ўз фикрини очиқ билдириш, юмшоқ айтганда, беодобликка, беандишликка йўғрилди. Ваҳоланки, демократия — яхши ниятли ростгўйликни, фикр эркинлигини тақозо этади.

Афсуски, собиқ иттифоқ ҳудудида бу каби эски касалликлардан халос бўлмаган кимсалар ҳамон учрамоқда. Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида ана шу масала хусусида тўхталиб бундай деган эди: “...*ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касодга учраган, коммунистик мафкурага асосланган тизимни согиниб-кўмсаб гапираётган айрим сиёсат ва давлат арбоблари – эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз ... Бир сўз билан айтганда, СССРнинг сояси собиқ иттифоқ минтакасидан ҳали бери бутунлай кўтарилган эмас ва буни биз доимо инобатга олишимиз, ҳамиша сергак ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур*”³⁸.

Шукрки, халқимиз онги, қалбига чуқур сингиган минглаб йиллик маънавий қадриятларимиз, миллий анъана-

ларимиз зўрлик билан киритишга ҳаракат қилинган коммунистик мағкурунинг домига тўлиқ тушиб қолишдан асрари. Аммо Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айттанди, “ернинг шўрини ювиш осон экан-у, одамнинг онгидаги шўрини ювиш қийин” эканки, “манқуртлик касали”нинг асоратлари баъзи кишиларимиз онги ва руҳиятида ҳанузга сақланиб қолмоқда.

Эркин фуқаролик жамиятини қуришда тарихни, аждодларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш ва амалда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихимиз қанча кўп ўрганилса, ундан бугунги маънавият, ғоявий ислоҳотлар учун шунчак кўп амалий тавсиялар чиқаверади. Ҳазрат Навоийнинг “Озод бўлмоқ истасанг, ўзингни озод тут”, деган сўзлари бугунги воқелик билан боғлиқ эмасми?

Ёки яна бир мисол. Ўрта асрлар тиббиёт илмининг бир тармоғи – маънавият тиббиёти деб аталган экан. “Маънавий тиббиёт” деган ном билан Ал-Киндий (800-860 й.й.), Абу Бакр Ар-Розий (865-925 й.й.), Абу ал-Фарах Абу ар-Раҳмон ибн Жавзий (1201 й. вафот этган), Абу Исҳоқ Ироҳим ибн Юсуф Аш-Шерозий (1093 й. вафот этган) каби кўплаб буюк Шарқ алломалари ўз китобларини ёзисб қолдирган. Тан табобати инсон жисми билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва даволаш билан шугуулланган бўлса, маънавий тиббиёт инсон қалби, онгини иллатлардан фориг этишга, инсоний фазилатларни такомиллаштиришга хизмат қилиб келган.

Тарихнинг аччиқ сабоқларидан яна бири шуки, маънавият, ахлоқ-одоб инсон ҳатти-ҳаракатларининг, фаолиятининг, эҳтиёжларининг мезонига айланмай туриб, жамият биронта муаммоларни самарали ҳал этиши ва ижтимоий тараққиётта эришиши мумкин эмас.

Туркистон ўлкасининг XIX аср 70 йилларида Россия империясининг мустамлакасига айланиси тарихи бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Ҳалқимиз тарихидаги бу қайгу-

ли ҳодисанинг кўплаб сабабини келтириш мумкин. Аммо энг асосийси, жамиятнинг руҳий эврилишга учрагани, элга бош бўлиши лозим бўлган ҳукмдорлардан тортиб, бой ва уламоларгача ўз шахсий манфаат доирасида ўралашиб қолганлиги, истиқлол учун қурашган зиёлиларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, жамият кишилари бирлаша олмагани эканлиги, десак хато қилмаймиз. Зоро, XX аср бошларида тараққийпарвар зиёлилардан бири айттанидек: “Инсонни дунёда яшамоги учун молу жонга эҳтиёжи бўлсада, дунёни иззати ва охиратнинг саодати учун восила бўлунган илму адабга зиёдароқ эҳтиёжи бордур. Молу жонни илму адаб бирла мақрун бўлмаганлари ҳолда дунёда сабаби таъну лаъни мардумон ва охиратда балойи жон бўлувларига шубҳа йўқдур”³⁹.

Азалдан бирор ҳалқ ўз ҳаётида тарихий ўзгариш ясашга қарор қиласр экан, унинг аъзолари орасидаги ўзаро гоявий бирлик, маслақдошликни таъминлаш масаласи биринчи ўринга кўтарилиган. Абдулла Қодирий ўзининг қаҳрамони Юсуфбек ҳожи тили билан бу ҳақда шундай дейди: “Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати, шахсияти йўлида, бир-бирини еб, ичган мансабпаст, дунёпаст ва шуҳратпаст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди...”

Тарихий тараққиёт йўлида инсоният тўплаган тажриба ва сабоқлар маънавий мезон ва қарашлар тизими сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. И.А.Каримовнинг тарихчи олимлар билан суҳбатда: “Тарих — ҳалқ маънавиятининг асосидир”⁴⁰, деб айтган сўзларининг мазмуномоҳияти ана шунда.

Тарих сабоқлари инсонни хатолардан асрайди, ҳушёрликка ўргатади, руҳий эврилишдан асрайди. Бироқ таъкидлаш жоизки, маънавият фақат мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтадиган тарихий қадрият бўлмай, доимий ривож-

ланиб, янги давр қадриятлари билан бойиб, уйғунлашиб борадиган, доимий ҳаракатдаги ҳодисадир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президент И.Каримов таъкидлаганидек: “Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлашириши келаjakсакда янада равнак топишимишининг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига кўшилишининг гаровидир”⁴¹. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тўрт асосий маънавий негизлари ичида “умуминсоний қадриятларга содиклик” белгиланди. Бугунги кунда мамлакатимиз равнақини ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган демократия, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, эркин бозор муносабатлари, сўз эркинлиги каби умуминсоний қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилисагина, яъни ўз мустақил фикрига, дунёқарашига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлганидагина “демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳак-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади”⁴².

Анъанавий миллий ва умумбашарий демократик қадриятларни уйғунлашириш — тараққиёт гарови. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этуб белгиланган бир пайтда демократик тамоилиларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлашириш, демократик меъёрлар асосида кўппартиявийлик тизимни такомиллашириш, давлат бошқаруви органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич жамоат ва ўз-ўзини бошқариш ташкилот-

ларига ўтказиш каби вазифалар умуминсоний қадриятларни ўзида ифода эттан ҳолда маънавият билан туташади.

Янги даврда жаҳондаги илғор мамлакатларда шаклланган демократия ва фуқаролик жамияти асосий қадриятлари – халқ ҳокимияти, фуқаролар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсат, сиёсий қарорларни қабул қилишда кўпчиликнинг иродасига таяниш, озчиликнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларига риоя этишининг кафолатланиши, эркин ва адолатли сайловлар тизимининг жорийланиши, барчанинг қонун олдида тенглиги, ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби қадриятлар халқнинг, ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, маънавияти ва маданиятининг узвий ва ажралмас қисмига айланандагина демократик жамиятни қуриш реал воқеликка айланади.

XVIII асрнинг машхур файласуфи Жан Жак Руссо: “Демократия золимларни дунёга келтиради”, деб ёзган эди. Бу ўта қатъий айтилган фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмаса-да, айтиш лозимки, унинг ортида реал хавфга ишора бор. Собиқ СССРда кечтан жараёнлар бунга ёрқин далил бўла олади. Демократия шиорлари остида олиб борилган сиёсат ортида алоҳида шахсни кўпчиликнинг иродасига бўйсиндириш амалиёти яширган эди. Алоҳида шахснинг манфаати ва ҳукуқлари қонун билан ҳимоя этилмаган ҳолда эса, ҳар қандай ҳокимият, ҳатто демократия шаклидагиси ҳам осонлик билан авторитаризм ва тоталитаризмга айланади. Ана шу ўринда маънавиятнинг ижтимоий-сиёсий характеристери, ҳукуқ билан туташ нуқтаси намоён бўлади.

Маълумки, жамият ҳаётини тартибга солиш эҳтиёжи маълум худудда яшайдиган кишилардан жамиятни бошқариш, одамлар ўртасида муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ ҳукуқларни бошқарувчиларга ваколат тарзида топширишни талаб этди ва шу аснода давлатчилик юзага келди. Лекин бошқариш ҳукуқи берилган киши ўз ваколат-

лари доирасини ўзбошимчалик билан көнтайтирса, демократик жамият қуриш имкониятлари тобора тораяди. Башарият тарихи кўп бора тасдиқланган бу ҳақиқатни бундан қарийб 2000 йил аввал римлик машхур нотик ва давлат арбоби Цицерон эътироф этган эди. Унинг фикрича давлатнинг (Римнинг) таянчи кўхна удумлар (маънавий мерос) ва ҳақиқий эрлардир. Демак, давлатнинг гуллаб яшнаши учун, аввало, маънавий-ахлоқий ислоҳотларни амалга ошириш керак. Бу вазифани эса, Цицерон айтганидек, фуқаролик ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган раҳбаргина адо этиши мумкин.

Қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги – демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири сифатида маънавият билан уйғуналашади. Зоро, киши маънавиятининг ифодаси бўлган инсоф, ўзгаларга нисбатан ҳурмат-иззат, ҳалоллик ва ҳ.к. емирилса, яъни бир одамнинг ҳуқуқи чегарасини бузса, қонун ишга тушади ва кимнинг ҳақ, кимнинг ноҳақ эканлитиниadolat тарозисида ўлчаб беради.

Бироқ айтиш лозимки, қонунларadolat тамойилларига таянса-да,adolat туйгуси кишиларнинг онги ва қалбидан ўрин олмаса, яъни маънавият киши ҳатти-ҳаракатлари бош мезонига айланмас экан, жамиятда демократик муносабатларнинг мустаҳкам ўрин олиши мумкин бўлмайди. Ҳазрат Навоий айтганидек:

Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.
Акс ҳолда, яна ҳазрат дейди:
Агар эл қилмади ҳимоят санга,
Ўзингдан керакдур шикоят санга.

Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун қонунларга риоя этиш мажбуриятта эмас, фазилатта айланмоғи лозим. Бунинг учун одамларни демократияга ўргатиш зарур, тики киши шахсий жавобарлик ҳиссини туйсин, ахлоқ

меъёрларига риоя этиш унинг учун ички заруратта айлан-син. Бу ҳақда немис файласуфи Ницше шундай деган эди: “Ахлоқийлик аввал қатъий талаб шаклида қўйилади. Унга риоя қилиш шартлиги учун бўйсuna бошлайдилар. Бироз ўттач бу ихтиёрий одатта айланади ва охири у инстинкт даражасида оддий ва табиий, одамга ҳузур берувчи фазилатта айланади”.

Дарҳақиқат, одамларнинг онгидаги чуқур илдиз отган қарашларни ўзгартириш, уларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини танитиш- катта ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширишни талаб этади. Мақсад эса, қонун устуворлиги, адлия идоралари аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлиги каби тушунча ва қарашлар, Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек, “қон-қонимизга, вужудимизга сингиб кетиши лозим”⁴³. Демак, жамиятдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун маънавият ва биринчи йўринда адола тамойили сиёсатнинг бош таянчи бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов демократик фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш учун “инсофли, диёнатли одамларнинггина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳақи бор” литини таъкидлаб келмоқда.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари” маъруzasида ислоҳотларнинг бош йўналишини ва самарадорлитини белгилаб берадиган қуидаги устувор вазифани белгилаб берди: “Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишининг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириши борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

*Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиласидиган та-
мойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айлан-
моги ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам эт-
моги лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб,
маърифат каби ўлмас қадриялар турмоги керак”⁴⁴.*

Маънавият инсон руҳиятида воқе бўлади. Шунинг учун
у аввало, алоҳида олинган инсон билан боғлиқ тушунча.
Аммо инсон жамиятдан ажралмас бўлиб, жамиятдан
ташқарида ўз инсонлик моҳиятини йўқотар экан, маънавият
инсонни ўзга одамларга, жамиятта, бутун борлиқка
дахлдор қиласиди. Шу жиҳатдан маънавият ижтимоий маз-
мун касб этади. “Инсон ўзини ҳалқнинг бир зарраси деб
сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина
маънавият билан тулашади”⁴⁵. Демак ҳар бир киши ўзи-
нинг яшаш тарзига, ўзгалар билан бўлган муносабатига
жиддий эътиборни қаратмасдан туриб жамият биронта
муаммони ҳал этиши мушкул.

“Инсоният тарихи — гоялар тарихидир”. Зеро яшаш
маконида одамларни фоя бирлаштиради. Ҳалқнинг маълум
фоя атрофида бирлашиши даражаси эса жамиятни янги-
лаш ўз умрини яшаб бўлган ақидаларни, анъаналарни
инкор эта олиш кучини белгилайди. Фоя бутун жамият
аъзоларининг онгига чуқур сингиб, миллий фояга айланса-
гина у катта, таъбир жоиз бўлса, моддий кучга айланади.
Айни шундай шароитда жамият ҳаётида жиддий силжип-
лар, ўзгаришлар даври бошланади. Зеро, фоя ҳалқни, мил-
латни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи умуммақсадни ўзида
ифода этади.

Аммо, ёддан чиқармаслик керакки, бутун инсоният
тарихида ҳамиша икки куч — бунёдкорлик ва бузғунчи-
лик фоялари ўртасида кураш кечган. Жамият бунёдкор
фояларга таянганда, давлатлар тараққиёт сари йўл олган,
эл-юрг тинч, фаровон ҳаёт кечирган. Ва аксинча, бузғунчи,
ёвуз фоялар эса ҳалқлар бошига оғир кулфатлар кел-

тирган. Биргина XX аср тарихига назар ташланса, ҳали инсоният хотирасидан ўчмаган, сўнгсиз балоларни келтирган фашизм, большевизм, ақидапарастлик каби гайриинсоний гоя ва мафкураларнинг дунё тараққиётини нақадар ортга суриб юборганини гувоҳи бўламиз.

Ана шу буюк мураббий – тарихнинг ибратли хulosалири ва аччиқ сабоқларига таянган ҳолда Президент И.Каримов Ўзбекистон жамиятининг “Миллий истиқлол мафкураси ҳалқимизга хос бўлган энг мукаддас туйгу ва тушунчаларнинг мужассам ифодаси бўлиши керак”⁴⁶, – деб таъкидлади. Бунинг учун миллий мафкура сунъий ҳосил қилиниши эмас, ҳалқнинг асрлар синовидан ўттан миллий маънавияти сарчашмаларидан, бунёдкорлик гоялардан озиқ олиши керак.

2000 йил 6 апрель куни Оқсарой қароргоҳида зиёлилар билан сухбат асносида Президент бу ҳақда мукаммал фикрни қутидагича ифода этди: “Миллий мафкурамиз ҳалқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуклардан озикланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнаки, ҳалқ манбаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор”⁴⁷.

Бугунги кунда ҳар қандай миллий тикланиш ва миллий ривожланишнинг асоси бўлган маънавий мерос, урф-одатлар, анъаналар, юксак қадриятлар, тарихий хотира ҳалқимизга қайтарилди. Миллий ўзлигини, ҳуқуқларини тобора теранроқ англаб бораётган ҳалқимиз учун буюк келаҗакни барпо этиш йўлида бу бой имкониятлардан фойдаланиш, барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга, Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий жамият қуриш ишига йўналтиришга сафарбар этишдек улкан имкониятлар яратилди.

**«Тарбияни кимлар қилур» ёхуд қадриятлар қадри
хусусида айрим мұлоҳазалар
(Сўнгсўз ўринида)**

Ҳаёт бу — йўл. Яшаш ҳаёт йўлини босиб ўтиш демакдир. Минг қатла шукрларким, мустақил Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг тўғри йўлини белгилаб олди. Зеро, бу йўл улуг мақсад - Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт сари солинган. Аммо инсон онги ва тафаккури учун кураш авж олган ҳозирги шароитда одамларни, аввало ҳаётдаги ўз йўлини излаётган ёшларни чиройли ниқобга ўралган, бир қарашда мафтункор, бироқ ҳалокатли foялар томон етакламоқчи бўлганлар бениҳоя кўп. Шунинг учун ҳам бугунги куннинг жиiddий эътиборини талаб этувчи энг катта муаммолардан бири – инсониятнинг узоқ тарихий йўлини доимо ёритиб келган соғлом идеалларнинг ҳаётбахш мазмунини тиклаш. Қоғозда эмас, одамлар қалбидা тиклаш.

Айрим одамларнинг гап-сўзлари, фикрлари, юриштуришларини кузатиб “ақида”, “ақидапарастлик”нинг ҳаётдаги кўринишлари нақадар кўплигидан, яшовчанлигидан, касаллик вируслари каби шароитта мослашувчанлигидан ҳайратта тушади киши. Баъзан ўзимиз ҳам қотиб қолган ақидалардан воз кечиш ҳақида гапирамизу, шу заҳоти кўриниши чиройли, эзгу ниятлар билан сугорилган, аммо ҳаёт, табиат ва ривожланиш қонуниятларига мос келмаган, реал воқелик талабларидан йироқ ва демакки, ўзгача қиёфадаги ёлғон ақидаларга тобе бўлиб қоламиз. Шунда инглиз маърифатчиси Жонатан Свифтнинг аччиқ истехзоси ёдга тушади. “Гулливернинг саёҳатлари” номли машихур романида ёзувчи ҳаёлпараст “олим”ларнинг “жоншумул кашфиётлар”и ҳақида ҳикоя қиласи. Хусусан, уларнинг бири муздан пороҳ ясашга уринса, бошқаси бодрингда жамланган қуёш энаргиясини олиб у билан иссиқходи

наларни иситишда фойдаланиш муаммоси устида бош қотиради.

Оддий ва минг афсусларким, одатий тус олаёттан бир мисолга мурожаат этайлик. Февраль ойи. Юртимизда буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Бобурнинг таваллуд кунлари билан боғлиқ тантаналар, илмий анжуман ва давра сұхбатлари ўтказилаёттан кунлардан бирида навоийшунос, бобуршунос олимлардан бири дард-ҳасратини айтиб қолди. Уни байрам билан табриклишибди. Дастрлаб, қандай яхши, одамларимиз Бобур Мирзонинг туғилган кунини байрам сифатида нишонлаяпти экан, дея хаёлга борганда, сұхбат давомида аён бўлибди, уни “Авлиё Валентин куни”, “севишганлар куни” билан табриклишаёттан экан. Дарҳақиқат, ёшларнинг Авлиё Валентин кунини билиши, жаҳонга таниқли буюгимиз Бобурнинг таваллуд кунини эса унуттанлиги ачинарли ҳол. Хурматли, жонкуяр, бутун вақти ва илмий салоҳиятини аждодларимизнинг тенги йўқ маънавий меросини ўргатишга баҳшида эттан олимнинг Farb мамлакатларида оммавий тарзда ва гоҳида бизнинг урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид кўринишлар касб этиб нишонланадиган бу байрамга салбий муносабатини тушуниш ҳам мумкин. Аммо турли қадриятлар ва уларга муносабат масаласи бир қарашда оддий бўлиб туюлса-да, аслида анча жиддий мулоҳаза юритишни, етти ўлчамасдан кесмасликни тақозо этади. Акс ҳолда, “бизники – бизники эмас” деган жўн фалсафанинг боши берк кўчасига кириб қолиш ҳеч гап эмас. Қолаверса, шошма-шошарлик билан айтилган фикр эртапишар мевага ўхшайди – янгилиги билан кўзни ўйнатади-ю, маза-матраси бўлмайди.

Юқорида келтирилган воқеа билан боғлиқ масалага дўшини бошдан олиб, дикқат билан ёндошилса, унинг бир қанча қирралари намоён бўлади. Аввало, ҳодисанинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини англаш учун, унинг тарихига бир назар ташлайлик.

Қачонлардир қудратли салтанат бўлган Рим империя-сининг сиёсий ва маънавий таназзулга учраган, ўзаро урушлар домига тушган даври. Ҳар бир оиласиз эркакда ўзлашқарини кўрган Император Клавдий Иккинчи, никоҳларни маън этади. Унинг буйругига бўйсунмаган епископ Тернийский (Валентин) севишганларни яширинча никоҳлайди ва бу қилмиши учун қамоққа ташланади, 270 йилнинг 14 февраль куни эса ўтда куйдириб ўлдирилади. Авлиё Валентин ҳақидаги халқ орасида кенг тарқалган ривоятларнинг бири бўйича, насронийларни ёмон кўрган қамоқхона назоратчиси Валентиннинг ажойиб табиблиқ истеъодидан хабар топиб, унинг олдига туғма қўзи ожиз қизини олиб келади. Мўъжиза рўй беради. Қизнинг кўзлари кўра бошлияди ва у ўз халоскорини севиб қолади. Аммо бу муҳабbat тарихи қисқа ва баҳтсиз бўлади. Кўп ўтмай Валентин қатл этилади. Уларнинг муҳаббатидан гувоҳлик сифатида “Сизнинг Валентинингиз” деб имзоланган биргина мўъжаз хат қолади. Шундан буён Валентин қатл этилган кун севишганларнинг байрами сифатида нишонлана бошлаган. Шундан буён бу кун севишганлар бир-бирига дил изҳор хатлар йўллашади, бир-бирига совғалар тортиқ қилишади, йигит ва қизлар ўзларининг турмуш ўртоқларини танлашади. Бу кун насронийлар авлиё Валентинни ёд этишади.

Бу ривоят заминида кишилиқ тарихи қайта-қайта тасдиқ этган ҳақиқат туради. Қалбида ишқ ўти ёнган инсон қаҳрамонликка қодир бўлади ва ҳар қандай зулмга қарши кураша олади. Давримизнинг жаҳонга машҳур ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳам айни шу ҳақиқатни ўзининг “Чингизхоннинг оқ булути” қиссасининг бош мавзуи этиб танлайди. Япон ёзувчиси Икэда билан сухбатда у асарнинг тояси ҳақида шундай деган эди: “Менимча, ҳақиқий фалсафа энг oddий шароитларда, одамлар бехуда мулоҳазаларга берилмай, юрак амри билан иш тутганларида

намоён бўлади. Севиб қолиб одам чинакам қаҳрамонга айланади, зеро ана шу энг улуг туйгу ҳимояси учун у гайритабиий ҳаёт қонунарига бўйсундирмоқни истаган ҳар қандай зулм билан яккама-якка олишувга киришади. Шундай бўлган ва доим шундай бўлади. Бу қонуният. “Чингизхоннинг оқ булути”да ана шу ҳакида айтмоқчи бўлганман... Мен шоҳ Сураймон қўшикларида айтилганидан улугрогини билмайман. “Зеро муҳаббат, ўлим сингари кучли”.

Дарҳақиқат шундай. Асар воқеаларини эслайлик. Чингизхон, худди ўзидан минг йил аввал ўтган император Клавдий Йиккинчи сингари, ўз қўшинларининг жанговор руҳини сақлаш учун лашкарларига никоҳни, умуман аёллар билан ҳар қандай муносабатни таъқиқлайди. Бу таъқиқни бузган садоқатли лашкарбошиларидан бирини ва унинг севгилисини ўлимга маҳкум этади. Чингизхоннинг табиатта, ҳаёт қонуниятларига, қолаверса, одамийликка зид қарори кишиларда исён туйғусини уйғотади.

Юқоридаги фикр-мулоҳаза ва мисоллардан келиб чиқиб ўзимизга бир савол бериб кўрайлик. Хўш, инсоний муҳаббатнинг қудратли кучини, ўлимни енгишга қодир бўлган ишқнинг ифодаси бўлган Авлиё Валентин куни бизнинг азалий қадриятларимизга зидми? Кишилар, айниқса, ёшлар онгидан ўрин олган, уларнинг қалбида акс-садо топган бу байрамни қоралаш ўрнига, пайти келганда уларга жасоратни юракларга жо қилгувчи, улуг ишларга етакловчи соғ инсоний муҳаббатдан, илоҳий ишқ туйғусидан сўз очган маъқул эмасмикин? Шу йўла кишилар назарини улуг маънавий меросимиз томон, хусусан Алишер Навоий, Захиддин Муҳаммад Бобурларнинг ўлмас сиймоси томон бурсак, ундан-да гўзал, ундан-да бой ўз сарчашмаларимизнинг зилол сувларидан баҳра олишни ўргатсак муродимизга тезроқ етишмасмиканмиз? Дарвоқе, Алишер Навоий кишининг борлиққа, ўзга инсонларга, хусусан севикли ёрга

муҳаббатини Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг ифодаси, “ишқи ҳақи-қий”га эришмоқнинг шарти деб билган.

Оlamни мажоз дея, унда Ҳақиқат асрорини кўрган шоирнинг қуидаги сатрларини эслайлик:

Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз Ҳақ сунъини,
Ошикеким бўлса ишқ автори ичра покбоз.

Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошикникум,
Гар сен идрок айласанг, айни Ҳақиқатдир мажоз.

Қолаверса, ҳар бир нарса, ходисанинг моҳияти, қадр-қиммати қиёсда билинади. “Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам”. Бу ҳақиқатни англаш ва англатиш учун ҳам “бизники эмас” принципидан келиб чиқиб ўзга халқ қадриятларини инкор этиш эмас, миллий қадриятларимиз билан уларни ёнма-ён қўйиб, қиёслаб қўриш имкониятини берган маъқул бўлса керак. Бунда ҳам уларни зидлаш йўлидан бориш эмас, асло, балки улар ўртасидаги муштарак жиҳатларни, туташ нуқтларини топишга интилиш мақсадга мувофиқ.

Амир Темурни улуг'вор “Бибихоним” биносини қуришга, бобурийзода Шоҳ Жаҳонни дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлган “Тоҷмаҳал”ни қуришга борини сарфлашга даъват этган муҳаббатлари куёши нурида ҳар қандай “севишганлар куни” хира тортади. Ҳамма гап тарихимизни, буюк аждодларимиз, жумладан, ҳазрат Навоий, Мирзо Бобурларнинг қолдирган меросини одамларга тақдим эта билишда, қадриятларимиз қадрини ўз ўрнига кўя билишимизда.

Шу ўринда мақоламиз сарлавҳаси кўтарилган масала-нинг яна бир қирраси - тарғибот ишлари мазмуни ва самараси билан боғлиқ жиҳати намоён бўлади. Кайковус ўзининг маълум ва машҳур асари “Қобуснома”да шундай дейди: “ Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг қарагил, ул сенинг сўзингта харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингта харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса,

ул сўзни кўйиб, шундок сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингта харидор бўлсин... Хосга хос сўз, омийга омий сўз дегил, токи у ҳикматта мувофиқ бўлсин ва эшитғон кишига оғир келмасин, йўқса сўзингни далил ва хужжат била эшитмагайлар”.

Ёшлардан кўп нолијимиз. Нотўғри яшаяпти, беҳуда ишларга вақтини сарф этаяпти, ҳою хавасга берилиб яшаяпти. Улар кераксиз мусиқа тинглайди, кераксиз кино кўради, кераксиз китоб ўқиёди. Хуллас, “Юрса ўпок, ўтирса сўпоқ”. Бироқ “ёшлар жамиятнинг кўзгуси” эканлигини унутмайлик. “Юзинг қишиқ бўлса ойнадан ўпка-лама”, дейди доно хақимиз. Ахир, қуш уясида кўрганини қиласди. Шундай экан, уларга қараб, бирон нарса ёқмаса, хулоса чиқаришга шошмайлик.

Тарбияни ҳаёт-мамот масаласи деб билган маърифатпарвар Абдулла Авлоний ўз даврида “тарбияни кимлар қилур?”, деган муаммони кўтартгани бежиз эмас. Ёшлар молу-давлатта ҳирс қўйиб, маънавий қадриятларга беписанд бўлса, дунёдаги барча нарсани “меники” ва “меники эмас” га бўлса, боланинг қалбида табиатта, одамларга меҳр туйғуси ўйғонмаган бўлса, ким айбдор? Уларга тарбия беришга вақт топа олмаган ота-она эмасми? Дили бошқа сўзи бошқа катталар эмасми? Улуг алломалардан, Навоийю Бобурдан, уларнинг бебаҳо ҳикматларидан сўз очиб, ўз ҳаётини бошқа андозалар асосида кечираёттан муаллим эмасми? Боланинг қалби берк бўлса, аввало улар билан мулоқотда ўзимизнинг қалбимиз эшиклари очиқми, тилимиз ва дилимиз бирми, шу ҳақда бироз ўйлаб кўриш керакдир? “Ўлик сўз жонли жавобни уйгота олмайди”, дейди Чингиз Айтматов. Сўзга эса амал, иш жон бағишлайди.

Дилларни дилларга қовуштирадиган, тафаккур қулфларини ечадиган энг яхши восита - суҳбат, самимията асосланган суҳбат. Суқрот, Афлотун, Конфуций каби қадимги алломалар ўз шогирдларини тўғри йўлга бошлаш,

уларнинг қалбларига инсоний туйгуларни жо қилиш учун айни шу усулдан фойдаланганлари бежиз эмас. Улуг мутафаккир аждодларимиз ҳам мадрасаларда маъруза ўқимаган, балки жонли сұхбат асосида гоя ва билимларини ёшларга узаттан. Энг муҳими, қуруқ панд-насиҳат билан эмас, ўз яшаш тарзи, маънавий қиёфаси, маданиятининг ибрати билан таъсир ўтказган.

Ҳаёт шиддат билан ўзгараёттан, ҳаётта муносабат ҳам ўзгача тус олаёттан бир даврда сир эмаски, айрим ёшлар ўз устида ишлапшык машакқатли ишдан кўра, бутунги ҳаёт тақдим этаёттан ентил неъматларга интилишни афзал кўради, яхши яшаш учун пул, бойлик керак, деган жўн фалсафага таяниб яшайди, уни яшаш мақсадига айлантиради.

Аксарият замонавий ёшлар эркинлик ҳавосига ўпкаси тўлиб, ҳаёт йўлини мустақил танлашни даъво қиласди. Бу ҳам, аслида тўғри Зеро, ҳар бир одам ҳаётда ўз йўлини танлашга ҳақли. Қолаверса, ҳар қадамда катталарнинг оғзига қараб турса, мустақил фикрлашга интилмаса, келажакда ундан бир ишга қодир одам чиқиши гумон. Бироқ маълумки, алоҳида одам танлаган йўл нафақат унинг ўз тақдирини, балки бутун жамият, бутун халқ тақдирини ҳал қиласди. Ҳали ҳаётий тажрибаси бўлмаган, оқу қорани танимаган бола ўз ҳаёт мақсадини тўғри танлай оладими? Масала шунда. Ва бунда ота-онасининг, мураббийнинг, хуллас, катталарнинг ўрни, тўғри маслаҳати муҳим аҳамият касб этади. Бу эса осон иш эмас.

Ёшлар катталардан кўра ўзгача фикрлайдилар, ҳаётта ўзгача муносабатда бўладилар, оламни бошқача кўрадилар. Бола сизнинг сўзингизга харидор бўлишни истасангиз, у билан унинг тилида сўзлашинг, керак бўлса, француз гуманисти Антуан Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” номли доно китобидаги учувчи сингари ёшлигинизни эсланг, ёшликка қайтинг.

Кўпинча сұхбат чоғида айрим зиёлилар номаъкул мұ-

сиқа, номаъқул фильмларнинг, миллатимиз руҳиятига, маънавиятига зид урфларнинг ёшларга, умуман одамлар онги ва қалбига салбий таъсири ҳақида куюниб гапириб қолишади. Дарҳақиқат, на маъно ва на мазмун бўлган, инсоний ҳислардан кўра, кўпроқ паст инстинктларни қўзғовчи қўшиқ, гоявий бўш, хатто заарли фильм каби “оммавий маданият” намуналарига ҳаётимизда кўп дуч келамиз. Балки айримларнинг четдан ёғилиб келаётган бундай “асар”ларнинг йўлини тўсиш ёки ўз “саънаткор”-ларимизнинг ижод намуналарини бадиий кўрикдан (ўзига хос цензурадан) ўtkазиш ҳақидаги фикри тўғридир. Аммо бутун дунёда балои-азимга айлангац салбий кўринишдаги “оммавий маданият”нинг тарқалишини бундай йўл билан олдини олиб бўлармикин? Кишиларни “Оммавий маданият” қуллигидан буйруқ ёки фармон билан халос этиш мумкинмикин? Хитой мутафаккирларидан бири айтган экан: “Агар сен золимни тахтдан ағдармоқчи бўлсанг, аввал ўз юрагингта унга ўзинг ўрнаттан тахтни йўқ қилгин”. Ҳаққоний гап. Зеро, ҳамма гап одамнинг унга мойиллигида. Бошқа сўзлар билан айтганда, талаб бор экан, таклиф ҳам бўлади ва муаммо ана шу мойилликни йўқотишида. Акс ҳолда ҳеч нарса ва ҳеч бир куч унинг йўлига ғов бўла олмайди. Президентимиз илгари сурган “гояга карши гоя, фикрга карши фикр, жаҳолатга карши фикат маърифат билан баҳсга киришиши мумкин”, деган фикрининг мазмун-моҳияти терандлиги ва доимо долзарблиги шунда.

Бугунги ҳаётимизда бу фикр қайта-қайта ўз тасдигини топмоқда. Илғор гояларни жамиятта тарқатувчилар эса ҳар қандай даврда юртта бош бўлган маърифатли кишилар, илм-фан, санъат аҳли бўлган. Бундай кишиларни халқимизда ўз номи билан “зиё тарқатувчи”, “зиёли” деб аташган. Шундай экан, “маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлиниң виждан ишидир”. Аждодларимиз қолдирган бекиёс маънавий бойликни тиклаш, бойитиб ривожлантириш, юк-

сак миллий ва умуминсоний қадриятларни кишилар қалбига жо этиш ва шу тариқа уларни юксак мақсадлар сари етаклаш иши ҳам асосан зиёлилар зиммасига тушади.

Мир Алишер Навоий айтмиш: “*Улким, кўнгул мулкининг соҳибжоҳи* (султони, ҳокими – У.С.) бўлгай, *шоҳлар шоҳи бўлгай*”. Аммо, одамларнинг кўнглини топиб, улар қалбидан ўрин олиш, “*кўнгил мулки*”га хокимлик қилиш, улар учун чинакам устоз-мураббийга айланиш осон иш эмас. Айниқса, бугунги кунда, катталаар тирикчилик ташвиши билан овора, ёшлар ўз ҳақ-хукуқларини таниб, мустақил фикрлаш ва мустақил йўл танлашга интилаётган бир шароитда. Қолаверса, кўнгилни поклаш, руҳий хокимликка эришиш кишининг доимий ўз устида ишлашдек мураккаб ва оғир жараёндир. Бу борада Навоий бобомиз: “Ишқ дардидин менга юз минг уқубатдир”, деб бежиз айтмаганлар. Шунинг учун айримлар ҳаёт шунча моддий неъматларини таклиф этаётган бир пайтда “юз минг уқубат”ли бўлган маънавий-руҳий комилликка интилишни ортиқча вақтни оладиган бекорчи иш деб билади.

Аммо маънавият ва маърифатсиз жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистонда маънавият масалаларининг, жамиятни маънавий янгилаш вазифасининг давлат сиёсати даражасида кўтарилганининг сабабларидан бири ҳам шунда.

Гап маънавият хусусида кетдими, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ажоддодларимиз маънавий меросини тиклаш, уларни оммалаштириш, жамиятни маънавий янгилаш борасида кўп ва хўб ишлар қилинди. “Республика Маънавият ва маърифат маркази”, унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда, мактаб, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида маънавият асослари ва миллий истиқлол гояси ўқитиљмоқда, радио-телевидениеда бир қатор маънавий-маърифий эшиттириш ва кўрсатувлар

намойиш этилмоқда ва ҳ.к. Аммо... Аммо шу ўринда ўзимизга бир савол бериб кўрайлик. Қилинган ишлар биз кутган самарани бераяптими? Айттан сўзимиз одамлар, ёшлар қалбida акс-садо топаяптими? Албатта, амалга оширилган ишлар самарасиз демоқчи эмасмиз, йўқ, асло. Аммо тан олиш керакки, бунинг акси ҳам эмас. Нега? Бу саволга жавоб алоҳида изланишни, алоҳида мулоҳаза юритишни талаб этади. Ҳозирги масаланинг бир жиҳатигина тилга олиб ўтмоқчи эдим.

“Зиёли халқнинг фикрловчи вакилидир”, - деган эди япон мутафаккири Дейсаку Икэда. Унга юқоридан туриб акл ўргатадиган, четдан туриб унинг “хато” ларини тузатадиган кимса эмас, айни вакили. Гапларимиз, фикримиз биз истаганча қабул бўлмаяптими, аввал ўзимизнинг ишимиздаги хатоларни излаб кўрайлик. Юон асотирларидан бирида тоғ чўққисига тош олиб чиққан Сизиф ҳақида ҳикоя қилинади. Сизиф энди мақсадга эришдим, деганда тош пастта қулайди. Машаққатли иш бошидан бошланади. Шу тариқа тинимсиз давом этади. Ишимиз Сизифнинг меҳнати сингари бесамар бўлиб қолмаслиги учун, назаримда халқда яшашни ўргатиш эмас, у билан бирга яшаш лозим. Одамлар сизнинг амрсифат сўзингиз асосида эмас, бошқача, ёзилмаган қонун-қоидалар асосида яшашни истаса, хулоса чиқаришга шошилмасдан, уларга, уларнинг дардига кулоқ тутиш керак. Воқелик бошқа, орзу-истак бошқа. Истак воқеликка айланиши учун ўз қонуниятлари бўйича тадрижий ривожлиниб борадиган ҳаётта тик боқиш, унинг нафасини туйиб иш олиб бориш керак бўлади. Энг муҳими, дард билан, халқ дарди билан яшаш керак. Акс ҳолда орзу-истакларимиз хомҳаёллигича қолаверади, ишимиз эса Сизифнинг ишига ўхшаб қолади.

Юрагида дарди бор, халқ дардини қалбига жо қилган кишигини зиё тарқатишга, чироғ бўлиб ўзгаларнинг йўли-

ни ёритишга қодир бўлади. Зеро Ҳазрат Навоий зикр этганларидек:

*Агар ишк дардидин менга юз минг уқубатдур,
Вале ҳамдардсизлик андин ортугрок суубатдур.*

Дарҳақиқат, маънавий-аҳлоқий етуклик сари йўл узоқ ва машаққатлидир. Бироқ, айни пайтда, инсон учун бу йўлга кирмаслик минг чандон уқубатлироқ экани ҳақида улуг шоирнинг сатрларида акс эттан ҳақиқатни ёшлиар онгига сингдириш, қадриятларининг қадрини тиклаш — зиёлиларнинг асосий ва муқаддас вазифаси бўлиб қолмоғи даркор.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11жилд. – Т., Ўзбекистон, 2003. – 34 б.
2. Кўчирма “Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар. Ҳикматлар. Афоризмлар” китобидан олинди, 63-б.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 91-б.
4. Мир философии: Книга для чтения. Ч. 2. Человек. Общество. Культура. – М., 1991. С. 95.
5. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 226-б.
6. Мир философии: Книга для чтения. Ч. 2. Человек. Общество. Культура. – М., 1991. С. 462.
7. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: 1996 , 15-б.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 33 б.
9. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: Маънавият, 2000, 34-б.
10. Ўша асар,. 32-б.
11. Каримов И.Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.. 6-жилд. – Т.:Ўзбекистон, 1998, 127-б.
12. Амир Темур ўгитлари. – Т.: Наврўз, 1992, 19-б.
13. Ўша асар, 18-19-б.
14. Руссо Ж.Ж. Трактаты. - М., 1969. С.268.
15. Ўша асар, 480-б.
16. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.. 7-жилд.. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 144-б.
17. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. - Т.: Маънавият, 1998, 80-б.
18. Тафаккур гулшани. Ватандош ҳамда хорижий алло-

маларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 34-б.

19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 35-б.

20. Ўша асар, 39-б.

21 Кўчирма Б.Қосимовнинг “Миллий уйғониш” китобидан олинди. 189-190-б.

22. Беҳбудий М. Асарлар. 2-жилд. – Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 271-272-б.

23. Абдулла Авлоний. Таңланган асарлар. 2-жилд. – Т., 1998, 185-186-б.

24. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 125-б.

25. Каримов И. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 149-б.

26. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 325-б.

27. Абдулла Авлоний. Таңланган асарлар. 2-жилд. – Т., 1998, 35-36-б.

28. “Ойина” (1914-1915 й.) – Т.: Академия, 2001, 22-б.

29. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-б. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 331-б.

30. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т: Ўзбекистон, 2005, 43-б.

31. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1998, 125-б.

32. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. 52-б.

33. Ўша асар, 51-б.

34. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003, 32-б.

35. Алишер Навоий. *Хикматли сўзлар*. Т., 1985, 114-б.
36. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 34-б.
37. Каримов И.А. Ватан саждаоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996, 7.
38. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 5-6-б.
39. “Ойина” (1914-1915 й.). 42-б.
40. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 438-б.
41. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 135-б.
42. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. /Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.
43. Ислом Каримов. “Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди”. / Халқ сўзи. 2005 йил 19 январь.
44. Ислом Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. /Халқ сўзи, 2003 йил 30 август.
45. Ислом Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. 1-жилд, 81-б.
- 46.. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000, 502-б.
47. Ўша асар, 466-б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Миллий гоя — ўзликни англаш, маънавий юксалиш ва тараққиёт омили.....	4
Маънавий янгиланиш, миллий маънавий негизларга таяниш – жамиятни янгилаш ва модернизация этишнинг зарурий шарти.....	25
«Тарбияни кимлар қилур» ёхуд қадриятлар қадри хусусида айрим мулоҳазалар. (Сўнгсўз ўрнида).....	41

**МИЛЛИЙ ФОЯ
ВА МА'ННАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Akademiya
Тошкент 2005**

Мұхаррир Б. Умаров
Мусақхих М.Абдуллаева
Рассом Р.Султонов
Техник мұхаррирлар К.Мирносирова,
Н.Курбонова
Нашр учун масъул Ш.Фаниев

Теришта берилди 4.08.05. Босишта рухсат этилди 8.08.05.
Бичими 84x108¹/32. Офсет босма. Шартли босма табоги 3,5.
Нашприёт ҳисоб табоги 3,5. Адади 500. Баҳоси шартнома
асосида.

«Ma'rifat-Print» МЧЖ, Тошкент ш., Сўтал ота кўчаси, 7а.